



ИЖТИМОЙ-СИЁСІЙ ГАЗЕТА

АДОЛАТ

2007 йил 2 февраль, жума № 5 (603)

Самарқанд шаҳрининг 2750 йиллиги олдидан

Чашмалар кўз очиб, замин яшарар

Ривоят қилишларича, гўзал Самарқанд ўтмишда минг чашма номи билан ҳам шuhrат қозongan экан. Буюк Ипак йўлидаги обод ва муаззам шаҳарга марғибу машиққан келган қарвонлар, албатта, ана шу чашмалар атрофида тўхтаб роҳатланишаркан. Булоқлар суви йиғилиб шаҳар ичкарасидаги бог-роғларга ҳам етиб борган, ҳавосини муътадил салқин сақлашга имкон берган экан. Самарқанднинг Пешихур кўчасидан бошланиб "Рухобод" хийбони орқали ўтайдиган манзилгоҳларда ҳозир ҳам шиғобахилигида тенги йўқ ана шу чашмалардан айримлари сақланиб қолган.

Асрлар оша ҳаёт кўшигини куйлаб келган қадим булоқлар бугун қайтадан кўз очмоқда. Самарқанд шаҳрининг 2750 йиллигини нишонлаш муносабати билан бу муаззам заминда улуг бунёдкорлик ишларига қўл урилмоқда. Асосий эътибор шаҳарнинг тарихий қиёфасини сақлаб қолган ҳолда уни янада ободонлаштириш ҳамда мамлакатни, хусусан, қаратилмоқда. Самарқанд шаҳар ҳокимлигининг ободонлаштириш департаментидан олинган маълумотга кўра, ҳозиргача 10 минг туддан зиёд игна баргли ва манзарали даракт

кўчатлари ўтқазилган. Аини пайтда "Рухобод" майдонидаги эски санат қорхоналари ўрнида 4 гектарлик янги бог барпо этишга киришилди.

— Шаҳарни ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш учун 1 миллиард 100 миллион сўмликдан зиёд маблағ ажратилган, — дейди департамент бошлиғи Бобур Алиев. — Шунинг асосий қисми йўл ва кўприкларни, фаввораларни таъмирлаш, гул ва даракт кўчатлари ўтқазилган сарфланади.

Дарвоқе, Самарқанддаги жами узунлиги 420 километрлик 855 та

йўл ва кўчаларнинг ҳолати кейинги вақтда талабга жавоб бермай қўйган эди. Байрам муносабати билан бу кўчалар энди буткул раванлашади. Мавжуд 31 та фаввора қайта таъмирланади.

Ободонлаштириш департаменти билан тузилган шартномага мувофиқ шаҳардаги кўппаб хизмат кўрсатувчи ташкилотлар кўкаламзорлаштириш, таъмирлаш ишларида фаол иштирок этишмоқда. "Нилуфар гуллари" кўкаламзорлаштириш комбинати шулар жумласидандир. Ҳозир бу ерда 50 хилдан ортиқ миллион туп анвойи гуллар етиштирилмоқда.

— Кўклам бошланиши билан шаҳар куча ва хийбонларига экиб парваришлаш учун Япония, Голландия ва Франциядан келтирилган энг нодир гул кўчатларини етказамиз, — дейди қорхона раҳбари Ихтиёр Ҳамидов. — Ҳозир иссиқхоналаримизда авжи баҳор. Бу ердаги кўркам тароват шаҳар байрамига узгача кўрк бағишлайди, деб ўйлайман.



Чиндан ҳам бугун қўлтуғ ёшни нишонлаш арафасида турган Самарқанд шаҳрининг ободончилиги ҳаммаининг, ҳар бир кишининг эзгу мақсади, интилишига айланган. Мақтаблар, маҳалалар, олий ўқув юрлари жамоалари ободонлаштиришда фаол иштирок этишмоқда.

Зоҳир Тўрақулов, "Адолат" мухбири

СУРАТЛАРДА: «Регистон» атрофидаги ободончиликлардан лавҳа. 2. "Нилуфар гуллари" қорхонаси боғбони Ёркин Ҳожиёв байрамга атаб анвойи гул кўчатлари етиштирмоқда. Муаллиф олган суратлар



Партия кўзгуси

Муҳокама давом этмоқда

Президентимиз томонидан қонунчилик ташаббуси билан Олий Мажлис Қонунчилик палатасига тақдим этилган "Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида"ги Конституциявий қонун ҳамда "Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айрим моддаларига тузатишлар киритиш тўғрисида"ги қонун лойиҳалари Андижон вилоятида кенг муҳокама қилиниб, чуқур ўрганилмоқда. Бу борада "Адолат" СДП вилоят Кенгаши фаоллигини кўлдан бой бермапти.

Авалроқ вилоят Кенгаши томонидан мазкур масала юзасидан Пленум бўлиб ўтган эди. Фуқароларнинг талаб ва тақлифларига кўра, Пленумнинг мантиқий давоми вилоятнинг Булоқбоши туманидаги "Қунгузар" маҳалла фуқаролар йиғинида ўтказилди. Йиғилишда вилоят партия Кенгаши биринчи котиби, Олий Мажлис Сенати аъзоси Мамазоир Ҳўжамбердиев

сўзга чиқиб, йиғилганларга юқоридаги қонун лойиҳалари, уларнинг юксак аҳамияти хусусида маъруза қилди. Шу билан бирга, маърузачи ўз нуктада Ўзбекистондаги профессионал парламент, хусусан Сенатнинг бугунги кундаги фаолияти тўғрисида ҳам тўхтади.

Тадбирда Булоқбоши туман партия Кенгаши котиби А.Ғоziев, туман хотин-қизлар кўмитаси раиси М.Ҳолмимраева сингари партия фаоллари ҳам мазкур қонун лойиҳалари юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришди.

"Адолат" СДП Балхик туман Кенгаши ташаббуси билан Балхик қишлоғи қасб-хуна қоллежидида ўтказилган йиғилиш ҳам аини шу масалага бағишланди. Унда партиянинг туман Кенгаши котиби Н.Шералиев қонун лойиҳалари тўғрисида маъруза қилди.

Йиғилишда партия фаоллари, коллеж ўқитувчи ва талабалари кун тартибидидаги масалалар юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришди.

А.МАХМУДОВ, "Адолат" мухбири

Ўзбекистон "Адолат" СДП Шаҳрисабз туман Кенгашининг пленумида Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан Олий Мажлис Қонунчилик палатасига қонунчилик ташаббуси тартибда тақдим этилган "Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида"ги Конституциявий қонун ва "Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айрим моддаларига (89-моддасига, 93-моддасининг 15-бандига, 102-моддасининг иккинчи қисмига) тузатишлар киритиш тўғрисида"ги қонун лойиҳалари ҳамда туман партия

ташкilotининг вазифалари тўғрисидаги масалалар муҳокама қилинди.

Пленумда партиянинг вилоят Кенгаши биринчи котиби Абдуқоҳхор Аҳмедов сўзга чиқди. У мазкур қонун лойиҳалари республикамиздаги мавжуд сиёсий партияларнинг, шу жумладан, "Адолат" СДПнинг ҳам давлат ва жамият қурилишидаги роли ва таъсирини тубдан кучайтириши, партиянинг мамлакат ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ҳаётига ҳамда мамлакатни янгилаш жараёналарига таъсирини оширишда ҳуқуқий механизм бўлиб хизмат қилишини айтиб ўтди. Пленумда партия фаолиятига оид бошқа масалалар ҳам муҳокама этилди.

Ўз мухбири

Ижроқўм йиғилиши

Сиёсий онг ва мафкура

тушунчасини ҳар бир сафдошимиз теранроқ англамоғи лозим

Ҳозирги сиёсий жараёнларнинг ҳақиқати шундаки, сиёсий етуклик ва партиявий мафкурани теран англаган партия аъзосига фаол ҳаракат қилиши мумкин.

Ўзбекистон "Адолат" СДП Сиёсий Кенгаши Ижроия Кўмитаси мажлисида дастлаб партиянинг 2007 йилги боджети тўғрисида мулоқот борди. Сўнг партия фаоллари учун ўқув семинарларини ўтказиш масаласи кун тартибининг муҳим қисмига айланди.

Бугун партия сафидаги аъзоларнинг ақсариётини эъёли қатлам ташкил этади, деярлик қанчалар йиғилишда. Бирок, уларнинг интеллектуал салоҳиятини ҳисобга олиб, сиёсий онг ва мафкуравий тушунчаларини бойитиш учун кенгроқ шароитлар яратиш лозим. Бунинг учун жойлардаги фаолларимиз, лидерларимизни махсус билим ва тажрибага ўргатиш керак. Марказда ёки ҳудудий ташкилотларда

ўқув семинарларини мунтазам равишда ўтказиб туриш энг қулай усуллардан бири. Ҳозиргача аниқ режа ва дастурлар тайёрланган, ўқув-услубий ишлар қизғин паллада.

Авал ҳам семинарлар ўтказилган. Лекин энди тадбирларни тизимли, мунтазам равишда уюштириш керак. Бир йилда бир эмас бир неча марта партиявий тадбирларни ўтказасан, дастур ва гоёларни тарғибот қилсан, шубҳасиз, аҳоли орасида партия нуфузининг орттишига эришамиз. Чунки, барча ютуқ ва муваффақиятлар омилли бу — профессионал кадрлардир. Уларнинг жонқуярлиги, фидойилиги партия ишининг таъини бўлиб хизмат қилади. Ўтказиладиган тадбирларга

Ўз мухбири

турли жамоат бирлашмалари, НҲТ, сиёсий институтларни жалб қилиш режалари ишлаб чиқилган. Семинарларнинг қандай савияда ўтказилганлигига ҳам эътибор бериш керак. Мақсад — тадбирлар ҳаққончилиги ва изчиллигини таъминлаш.

Ижроқўм аъзолари партия фаолиятини жонлантурувчи бошқа омиллар ҳақида ҳам сўз юритишди. Билдирилган фикр ва тақлифлар йиғилиш баёнига муҳрлансада масалага яқини хулоса берилмади. Сабаби, бу борада ишларни мукамал тартибга келтириш зарур. Фақат аниқ режа ва дастурларга семинарларнинг муваффақиятли бўлишини таъминлайди.

Ижроқўм аъзолари кун тартибидидаги қолган масалаларни ҳам атрофлича муҳокама қилишди.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИДА

Аҳолини шинам уй-жой билан янада тўлароқ таъмин этиш, уй-жой қурилишини, аиникса кичик шаҳарлар ва қишлоқларда жадал ривожлантириш, уй-жой қурилишига узоқ муддатли имтиёзли ипотека кредити бериш тизимини кенг жорий этиш масалаларига муҳим аҳамият бериб, Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Уй-жой қурилиши ва уй-жой бозорини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори қабул қилинди. Яқка тартибдаги уй-жой қурувчиларни ҳамда аҳоли учун уй-жой барпо этаётган ҳўжалик юритувчи субъектларни кредитлашга кўмаклашиш мақсадида мазкур қарор асосида "Ипотека-банк" акциядорлик тижорат ипотека банки ҳамда Ипотека кредити бериши қўллаб-қувватлаш жағмармаси ташкил этилди.

Қарор бу соҳадаги қонунчилик базасини ривожлантириш қудратли омил бахш этди. "Ипотека тўғрисида"ги қонун, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Яқка тартибдаги уй-жой қурилиши тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида"ги 2006 йил 30 декабрдаги ҳамда "Уй-жой қурилишига, уни реконструкция қилишга ва сотиб олишга ипотека кредити бериш тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида"ги 2007 йил 3 январдаги қарорлари қабул қилинди.

Ана шу муҳим масала Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Бюджет

ва иқтисодий ислохотлар масалалари кўмитаси томонидан Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ҳамда "Ипотека-банк" акциядорлик-тижорат ипотека банки ҳамкорлигида "Ипотека муносабатларини ривожлантиришнинг ҳуқуқий ва иқтисодий механизмларини тақомиллаштириш йўллари" мавзуда ташкил этилган давра суҳбатига муҳокама этилди.

Давра суҳбати иштирокчилари таъкидлаганидек, ҳозирги кунда мамлакатимизнинг барча минтақаларида "Ипотека-банк"нинг 38 филиали ва 150 дан ортиқ минибанки аҳолининг кенг қатламларига банк соҳасида замонавий хизматлар кўрсатиб келмоқда. Ўтган давр мобайнида банк ва унинг ҳудудий филиаллари томонидан уй-жой қурилишига, уни сотиб олиш ва таъмирлашга ўз маблағлари ҳисобидан 7,1 миллиард сўм миқдориди, шунингдек, қурилиш соҳасида фаолият олиб бораётган ҳўжалик юритувчи субъектларга 22,8 миллиард сўм миқдориди ва қурилиш материаллари ишлаб чиқарувчи қорхоналарга 14,2 миллиард сўм миқдориди ипотека кредитлари берилди. Ипотека кредити бериши қўллаб-қувватлаш жағмармаси маблағлари ҳисобидан имтиёзли ипотека кредитлари бериш механизми йўлга қўйилмоқда.

Анжуманда ипотека муносабатларини ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиш ҳамда уй-жой қурилишига узоқ муддатли имтиёзли ипотека кредитлари бериш тизи-

мини жорий этиш тажрибаси, шунингдек, юқорида зикр этилган қонун ҳужжатлари қабул қилинганлигидан келиб чиқиб, ипотека муносабатларининг ҳуқуқий ва иқтисодий механизмларини янада тақомиллаштириш масалалари муҳокама этилди.

Тадбирда мамлакатимизда, аиникса кичик шаҳарлар ва қишлоқларда уй-жой қурилишига ипотека кредитлари берилиши устидан мониторинг ташкил этиш ҳамда бундай кредитлашнинг рағбатлантирувчи механизмни жорий этишнинг, шунингдек, еш оилаларни аниқ тарзда ижтимоий ҳимоя қилишнинг аҳамияти ва зарурлиги таъкидлаб ўтилди.

Баҳс ва мунозаралар асосида ипотека бозорини ривожлантириш ҳамда ипотека муносабатларини рағбатлантириш, ипотекани рўйхатдан ўтказиш механизмларини тақомиллаштириш, қимматли қозғалар бозори ва ипотека билан боғлиқ бошқа молиявий бозорларнинг норматив-ҳуқуқий базасини шакллантириш масалалари юзасидан давра суҳбати иштирокчилари ўз тақлифларини билдирдилар ҳамда тавсиялар қабул қилдилар.

Давра суҳбатига сенаторлар, Марказий банк, вазирлик ва идоралар, тижорат банклари, муҳандислик-қурилиш компаниялари ва оммавий ахборот воситаларининг вакиллари иштирок этдилар.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг матбуот хизмати

Муҳокама учун мавзу

Китоб кўп, китобхон-чи?


Шоҳбекатдан қайтаётган эдим, шундай воқеанинг гувоҳи бўлидим.

— Бор йўғи 1500 сўм экан. Уша китобни олиб беринг? — дед бир болакай онасига зорланди. Она эса уни овуттишга уринди.

— Болажоним, бозорда қиммат экан. Китоб дўконларига чиқсан, албатта, олиб бераман.

— Унда, китоб дўконига борайлик, — болакай умидини узоқламай онасига юзланди. Қирқ ёшни қоралаб қолган аёл эса боласининг тиргаллаётганидан тоқатсизланиб:

— Китоб дўкони қаердалигини билмайман, — деди қовғини уюб ва микроавтобус ҳайдовчисидан Муборак туманигача йўл ҳақи қанчалигини сўради. Ҳайдовчи микроавтобусда 1000 сўм, "Нексия"да борилса 3000 сўм бўлишини айтди. Аёл ўғлининг эътирозига



қарамай, уни қўлидан тортқилиб "Нексия"га ўтириб жўнаб кетди. Шу топда мен бу аёл ўғлига айтган китобини олиб бериб микроавтобусда ҳам кетса бўларди, деган ҳаёлга бордим.

Ҳа, ҳар кимнинг ўз йўли-йўриги бор. Кимдир боласини яхши едириб, ичиради,

илмли, одобли қилиб тарбиялайди. Баъзилар эса ўз фарзандининг маънавий эҳтиёжини назар-писанд қилмай, ҳалиги йўловчи аёл сингари қўл силтайди. Ахир, бола ширинлик ёки ўйинчоқ эмас, китоб олиб беришини сўради-ку!

Давоми 4 - бетда

Сайтдан қандай фойдаланасиз?

Янги юз йилликнинг энг катта ютуқларидан бири оммавий ахборот воситаларининг глобаллашуви, рақамли технологияларга ўтиш ва интернет билан бирлашгани бўлди. Зеро, интернет дунё бўйлаб ахборот тарқалишини тезлаштирди.

Бугунги кунда Ўзбекистонда ҳам ушбу глобал тармоқдан фойдаланувчилар сони тобора ошиб бормоқда. Бу интернетнинг тезкор ахборотлар етказиши, турфа маълумотлар манбаига айланиши, масофадан туриб таълим бериш, ҳордиқ чиқариш, реклама, электрон савдо ва бошқа қўллаб хусусиятларга эга экани билан боғлиқ. Бу имкониятлардан фойдаланишда барча муассаса, ташкилот ва идоралар қатори сиёсий партиялар ҳам фойдаланишни йўлга қўйган. Ҳозир партиялар веб-сайтлари ахборот асрининг ўзига хос хусусиятларидан бирига айланди.

Пойтахтимиздаги Фуқаролик жамиятини ўрганиш институтида ўтказилган "Сиёсий партиялар ва интернет" мавзусидаги давра суҳбатига шу ҳақида сўз юритилди.

Мазкур институт, Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги, Германиянинг Конрад Аденауэр жағмармаси ҳамкорлигида ташкил этилган анжуманда сиёсий партияларнинг матбуот хизмати ходимлари, нодавлат тижорат ташкилотлар вакиллари, интернет тармоғи бўйича мутахассислар, экспертлар, олий ўқув юртлири профессор-ўқитувчилари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Тадбирда мамлакатимиздаги сиёсий партиялар ахборот тармоғи имкониятларидан қандай, қай даражада фойдаланаятгани, сиёсий институтларни янада тақомиллаштиришда интернетнинг ўрни ва аҳамияти, ривожланиш босқичлари, интернет сайтларини ташкил этиш ишлари ҳақида мулоҳазалар билдирилди. Таъ-

кидландики, исталганча ахборотни бир неча лаҳзада олишга имконият яратган интернет ҳозирги кунда маълумотларни сон ва сифат жиҳатдан юксалишига хизмат қилмоқда. Бу борада халқаро тажрибалардан ҳам андоза олаётган республикамиздаги сиёсий партиялар матбуот хизматларининг изланишлари ўз самарасини бермоқда.

Сайт орқали тезкор маълумотлар бериш соҳанинг муҳим талабларидан бири, — деди Конрад Аденауэр жағмармасининг Марказий Осиё ва Жанубий Кавказ бўйича минтақавий вакили Грегор Рисселе. — Германияда интернет тармоғи анча ривожланган, йилдан-йилга тақомиллашиб бораётган. Аммо бу Германиядаги андозаларни тўлиқ қўйириш керак, дегани эмас. Бунда, энг аввало, Ўзбекистон учун мос, керакли жиҳатларни ўрганиш ва бундан керакли хулосалар чиқариш лозим.

Иштирокчиларнинг фикрича, мазкур замонавий технология Ўзбекистонда кун сайин ривож-

ланмоқда. Мисол учун, АҚШнинг айрим шаҳарларида интернет-кафеалар анқонинг уруғи. Мавжудлари эса қиммат. Юртимизда бундан фарқли равишда интернетдан фойдаланиш анча яхшиланмоқда.

Икки кун давом этган анжуман мавзу юзасидан қизғин баҳс-мунозараларга бой бўлди. Шу билан бирга айрим сиёсий партиялар веб-сайти ишини тақомиллаштириш, мунтазам янгилаш, замон талабларига келтириш зарурлиги таъкидланди. Партия сайтларида янги ахборотларни қўйлатиш, мавзулар доирасини кенгайтириш лозим. Бу борада сиёсий институтлар томонидан мунтазам равишда турли тадбирлар, долзарб мавзуларда давра суҳбатлари, халқаро конференциялар ташкил этилмоқда.

Анжуман сўнггида республикамизда фаолият қурсатаётган сиёсий партияларнинг матбуот хизматларига тегишли тавсиялар берилди.

Ўз мухбири

Тадбир

Партиядан миннатдорман

Халқимизда яхши бир одат бор — қаровчиси йўқ, ёлғиз, ёрдамга муҳтож одамларга меҳр-муруват, саховат қўрсатади, ҳолидан хабар олиб, ҳамийлик қилади. Ҳозир бу одатни давлат миқёсида аҳамият касб этганидан ҳам қувонасиз, ҳам ғуруранасиз. Ахир дунёнинг бошқа мамлакатларида бундай фазилатни учратиш бўладими?!

Ҳар бир нарса эътибор ва эътирофдан бошланади. Қамини қаровчиси, ёлғизман, 1-гурух ногирониман. Шу вақтгача менинг ҳолимдан Самарқанд шаҳар таъминот бўлими ходимлари хабар олишарди. Лекин айрим сабабларга кўра, таъминот бўлимидагилар келмай қўйишганди.

Шундай вазиятда "Адолат" социал-демократик партияси Самарқанд вилоят Кенгаши менга катта эътибор қаратишди. Мурожаатим натижасиз қолмади. Партия ходимлари ёрдамда анча тикланиб олдим. Рост, узимни ёлғиз сезаётганим йўқ. Мен партиянинг "Ижтимоий ҳимоя йили"да халқимизнинг азалий аънавалиридан бири бўлишим яқка, ёлғиз инсонларга меҳр-муруват қурсатаётгани учун узимнинг чуқур миннатдорчилигини билдирмаман.

Ҳуррам Жўраева, Самарқанд шаҳри

«Алоқа дунёси» — янги имкониятлар

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2002 йил 30 майдаги «Компьютерлаштиришни янада ривожлантириш ва ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш тўғрисида»ги фармонида ахборот-коммуникация технологиялари соҳасидаги стратегик устувор вазифаларни амалга ошириш бўйича амалий чоралар белгилаб берилди. Ушбу Фармоннинг ижросини таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси 2002 йил 6 июнда «Компьютерлаштиришни янада ривожлантириш ва ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида» қарор қабул қилди.

Мазкур ҳужжатлар қабул қилинганидан сўнг алоқа ва ахборотлаштириш тармоғи замонавий технологиялар асосида жадал ривожлана бошлади. Ҳозирги кунда республика шаҳар ва туман марказларининг барча тармоқлари рақамлаштирилган ва аҳоли, корхона ва ташкилотларга юқори сифатли шаҳарлараро телефон алоқаси ва маълумотлар узатиш хизматлари кўрсатилмоқда.

Қишлоқ аҳоли пунктларининг телекоммуникация хизматлари билан таъминланиш даражаси 93 фоизни ташкил этади, шундан 52 фоизи рақамли хизматлардир. Ҳозирги вақтда қишлоқ аҳоли пунктларида телекоммуникация тармоқларини рақамлаштиришда симсиз алоқа техно-

логияларидан фойдаланиш бўйича лойиҳалар амалга оширила бошланди. Телекоммуникация муҳим тармоқлари абонентлари сони 2 миллиондан ошди, уяли алоқа абонентлари сони 2006 йилнинг ўзига 2,3 марта кўпайди ва 2 миллион 720 мингга етди. Интернетга улан-иш тезлиги анча ошди, ундан фойдаланувчилар сони эса 1 миллион 700 минг кишидан ошди. Web-сайтлар сони ҳам мунтазам кўпайиб бормоқда, ҳозир улар 3600 тага етди.

Замонавий ва юқори технологик телекоммуникация воситалари ва ахборот тизимларининг кенг жорий этилиши шароитида мамлакат иқтисодиётининг барча тармоқларида илмий ва юқори

малакали, мураккаб технология ва ускуналарни бошқара оладиган, келажакда эса юқори технология маҳсулотларини яратадиган кадрларга эҳтиёж сезилмоқда.

Шу боис алоқа ва ахборотлаштириш соҳасида илмий кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлашга катта эътибор қаратилмоқда. Аспирантлар, фан номзоди ва фан доктори илмий даражаларига даъвогарларни ҳамда уларнинг илмий раҳбарларини рағбатлантириш механизми яратилди.

Кувонарлиси шундаки, Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги томонидан таъсис этилган «Алоқа дунёси» илмий-техника журнали Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси қарорига кўра, фан номзоди ва фан доктори илмий даражасини ёқлаш диссертациялари натижаларини акс эттирувчи илмий ишларни чоп этиш учун таъсис этилган «Алоқа дунёси» илмий нашрлар рўйхатида киритилди.

«Алоқа дунёси» журнали 1999 йилда ташкил этилган. Йилда икки марта нашр эти-

лади ва бугунги кунда нашрлар сони кўпайтириш масаласи кўриб чиқилмоқда.

Журнал бош муҳаррири, техника фанлари номзоди, доцент Р.Исаевнинг айтишича, журналининг асосий мавзу йўналишлари телекоммуникация ва ахборот тизимлари, почта хизматлари, оптик тизимлар, ахборотни қайта ишлаш, янги авлод телекоммуникация, ахборот технологиялари, радиочастота ресурслари, улардан фойдаланиш самарадорлиги ва электрмагнит мослик, алоқа ва ахборотлаштириш соҳасида иқтисодий, менежмент ва маркетинг, ахборот жамиятини яратиш ва ривожлантириш, дастурий таъминот, ахборот хавфсизлиги ва криптология, телекоммуникация тизимлари ва тармоқларининг ишончилиги, метрология, стандартлаш ва сертификатлаш, олий ва ўрта махсус техник таълим масалаларидир.

Журнал таҳририяти алоқа ва ахборотлаштириш соҳасида иқтисодиётнинг бошқа тармоқларидаги илмий ходимлар, аспирантлар, магистрантлар ва истеъдодли талабалар билан ҳамкорлик қилишга тайёр.

(ЎЗА)

Масъулият ва талабчанлик

жойлардаги муаммоларни ижобий ҳал этишда қўл келаетир

Халқимизнинг сиёсий етуқлиги ва ижтимоий фаоллиги кундан-кун ортиб бораётир. Бунда сиёсий партиялар томонидан жойларда олиб бориладиган ислохотларни чуқурлаштириш, ҳуқуқий демократик давлат қуриш йўлидаги тарғибот ишлари ҳам ҳал қилувчи роль ўйнамоқда. Жумладан, «Адолат» социал-демократик партияси вилоят Кенгаши фаоллари ушбу йўналишда бир қанча тадбирларни амалга оширмоқда.

Ҳозир вилоятимизда 1200 дан ортиқ партия аъзолари бор. Улар сони кейинги икки йил ичиде икки баробарга кўпайди. Шу ўринда, биз партияимиз сафига ўтувчиларни сонига қараб эмас, балки, энг аввало, уларнинг дунёқараши, сиёсий онги, иқтисодий-ижтимоий ислохотларни амалга ошириш жараёнидаги жонқурлиги, ташкилотчилигига қараб қабул қилмоқдамиз. Шунинг учун ҳам жойлардаги партия ташкилотларимизга жиғиллашган фаолларимиз ҳар бир ишда фидойилик, ташаббускорлик кўрсатишяпти.

Сафимизда турли касб эгалари бор. Уларнинг аксарияти қишлоқ хўжалиги, саноат, тиббиёт ва халқ таълими соҳаларида меҳнат қилишади. Кувонарлиси, сафдошларимиз ўз касбларини жон дилдан ардоқлаш билан бирга жамоатчилик ишларида ҳам астойдил жонқурлик кўрсатмоқдалар. Жумладан, Хатирчи ту-

ман газ таъминот идорасининг раҳбари, халқ депутатлари вилоят Кенгашининг депутаты Бахтиёр Низомов ана шундай жонқур фаоллардан биридир. Унинг саъй-ҳаракати билан кейинги вақтда кўча-кўчалар ободонлаштирилиб, мактаблар таъмирланди. Қолаверса, у кам даромадли оилаларга ҳам ҳомийлик қилди. Шунингдек, «Гўзал маржон» фермер хўжалиги раиси, халқ депутатлари вилоят Кенгаши депутати Насриддин Эшмуродов ҳам қишлоқларни электр энергияси, тоза ичимлик суви билан таъминлаш ҳамда қариёлар ва кўп боали оилаларга ёрдам кўрсатишда алоҳида жонбозлик кўрсатмоқда. Фаолларимиз томонидан қилинаётган бундай ишларни яна кўплаб келтириш мумкин.

Шаҳар ва туман партия Кенгашларимиз ҳам бир қатор ибратли тадбирларни ўтказиб келишяпти. Масалан, Навоий шаҳар Кенгаши фа-

оллари томонидан олиб борилаётган ишлар, айниқса таҳсинга лойиқдир. Шаҳар фаоллари «Педагогика ходимлари меҳнатига ҳақ тўлашни таъминлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Президент қарори юзасидан жойларда тушунтириш ишларини олиб боришди. Тиббиёт ходимлари малакасини ошириш билим юртида «Репродуктив саломатлик ва тиббиёт маданияти мавзусида» давра суҳбати ўтказилди. Шунингдек, вилоят халқ таълими бошқармаси ва «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати шаҳар Кенгаши билан ҳамкорликда ўрта мактабларда «Энг чироили ёзув» танлови, «Гийёвандлик — аср вабоси» мавзусида давра суҳбатлари ташкил этилди. Бундай тадбирлар албатта бесамар кетмаётир.

Конимех туман партия Кенгаши ҳам ўз иш режаси асосида талайгина ишларни амалга оширди. Айниқса, маҳаллалар ва халқ таълими муассасаларида ўтказилган «Бола ҳуқуқлари» мавзусидаги тадбирлар кўпчиликка манзур бўлди. Негаки, бу тадбирларда суд, прокуратура ва ички ишлар бўлими ходимлари иштирок этишди. Бу сингари қизиқарли ва фойдаланарли тадбирлар вилоятимизнинг бошқа туманларида ҳам мунта-

зам ўтказиб борилаёпти.

Дарвоқе, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, «Адолат» СДП фракцияси аъзоси Зухра Ботирова вилоятдаги партия фаоллари билан ҳамма алоқада бўлиб турибди. У Хатирчи, Навбахор, Конимех, Нурота туманларида бўлиб, маҳалла фуқаролар йиғинларида, ўқув юртларида учрашувлар ўтказди. Ана шу учрашувларда Президентимиз томонидан қонунчилик ташаббуси билан Олий Мажлис Қонунчилик палатасига киритилган «Давлат бошқаруви янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партиялар ролини кучайтириш тўғрисида»ги Конституциявий қонун лойиҳаси ва «Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айрим моддаларига тузатишлар киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳаси қизгин муҳокама қилинди.

Хуллас, «Адолат» СДП вилоят, туман Кенгашларининг фаоллари ижтимоий-иқтисодий ислохотларни амалга ошириш, қонунлар ва ҳукуматимиз қарорларини аҳоли ўртасида тарғибот қилиш ишларини олиб боришда чинакам фаоллик кўрсатишмоқда.

Дўстмурод ХОЛИҚУЛОВ,
«Адолат» СДП Навоий вилоят Кенгаши биринчи котиби

Санъатда улғайса қалб



Ўзбек бадийи сомон санъатини янада омаллаштириш мақсадида Тошкент Давлат иқтисодиёт университети ва Афғон уруши но-

гиронлари республика хайрия жамғармаси ўртасида меморандум имзоланган, унда ушбу санъат турини талабаларга яқиндан таништи-

риш ҳамда ногирон фахрийлари маънавий кўллаб-қувватлаш кўзда тутилган эди. Мазкур йўналишдаги ишларнинг узвий давоми сифати-

Қадим Туронзаминда минг йиллар давомида зардушлик, кулолчилик, ганчкорлик каби амалий санъат турлари шаклланган. Улар халқнинг ўтмиши, қолаверса, гўзал ва бетакрор тафаккури муҳассамлашгани билан алоҳида эътиборга молик. Халқимизнинг ана шундай ажойиб ижод маҳсулларида бири ўзбек бадийи сомон санъати кашф этилганига унча кўп бўлмаса-да, ўзига хослиги ва она замин тафтини акс эттиргани билан ҳам тобора омаллашиб бормоқда.

да яқинда пойтахтимиздаги «Гранд Радус» меҳмонхонасида Тошкент Давлат иқтисодиёт университети, Афғон уруши ногиронлари хайрия жамғармаси, республика Бадийи академияси, «COSCOM» компанияси ва «Адолат» СДП билан ҳамкорликда тадбир ўтказилди. Тадбирда сомон санъатини янада омаллаштириш бора-сидаги вазифалар муҳокама қилинди. Йиғилишда таъкидландики, Ижтимоий ҳимоя йилида бу борадаги

Мурувват

Ҳамширанинг бахти

Зулфия ўқувчилик кезларидаёқ ҳамшира бўлишни орзу қиларди. Мактабда аъло баҳоларга ўқигани учун ҳам тиббиёт билим юртига кириш имтиҳонларидан муваффақиятли ўтди.

Билим юртида устозларидан тиббиёт сирларини ўрганиш билан бирга турли ташкилий ишларда ҳам фаол иштирок этди. Каттакўрган тиббиёт юртини имтиёзли диплом билан битирган Зулфияни 1970 йили шаҳар тугғурхонасининг генетикология бўлимига ҳамшираликка тақдир қилишди.

Ўз касбияти сикдидилдан меҳр қўйган Зулфия тез орада эл озғига тушди. Бўлимга доволаниш учун келган аёллар, бўлим шифокорлари Зулфия Қурбонованинг номини ҳурмат билан тилга оладиган, баъзан эса тугғурхонанинг бошқа бўлимларида оғир операция пайтида врачлар уни ёрдамга чақирадиган бўлиб қолишди. Шу боис ҳам туг-

руқхона маъмурияти уни гинекология бўлимида жаррохлик ҳамшираси, сўнгра тугғурхонанинг катта ҳамширалик вазифасига тайинлади. 1985 йили эса Каттакўрган шаҳар марказий шифохонасининг ички касалликлар бўлимига катта ҳамширалик вазифасига тақдир этилди. У бу ерда ҳам ўз касбини ардоқлаб астойдил хизмат қилди. Кўплаб беморларга беминнат тиббий ёрдам кўрсатди.

Зулфия Қурбонова 2003 йилдан буюн шаҳар марказий шифохонасида бош ҳамширалик қилиб келмоқда. Ҳамширалар фаолиятини юргизиш, уларнинг ўз устида ишлаши, беморларга беминнат хизмат кўрсатишини назорат қилиш, уларга масла-

хат бериш, амалий ёрдам кўрсатиш унинг зиммасида. Зулфия Қурбонова бўлимлардаги ҳамширалар билан доим мулоқотда бўлиб туради. Уларнинг иш фаолиятини кузатиб боради. Ёш ҳамширалардан қўмағини аямайди.

— Ҳамширалик касбини шарафлаб келаетганимдан мамнунман, — дейди Зулфия Қурбонова. — Менга фаолиятим мобайнида яқиндан ёрдам берган тажрибали врачларимиз Холмат Отакулов, Дилрабо Нурulloева, Шохислом Исмоилов, Нейматулла Қудратовлардан жуда миннатдорман.

Эл дуоси олинган киммат, дейишади. Зулфия Қурбонова бу нақлнинг маъносини обдон тушунади. Шу боис ҳам масъулиятни чуқур ҳис этиб, эл соғлиғи йўлида кечая кундуз елиб-югурмоқда.

Аскар ЖАЛИЛОВ,
«Адолат» мухбири

Ҳиндистон миллий байрамига бағишланди

Ўзбекистон Давлат консерваториясида Ҳиндистон Республикаси миллий байрами — Республика кунига бағишланган концерт бўлиб ўтди.

Тадбир Ўзбекистон Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Ҳиндистон маданият маркази, ушбу мамлакатнинг юртимиздаги элчихонаси ҳамда Ўзбекистон-Ҳиндистон дўстлик жамияти ҳамкорлигида ташкил этилди.

Ҳиндистоннинг мамлакатимиздаги факултетада ва мухтор элчиси Сканд Ранджан Тайал, Ўзбекистон Маданият ва спорт ишлари вазирининг ўринбосари Азамат Ҳайдаров икки халқ ўртасидаги дўстона алоқалар узок тарихга эга экани, истиклол йилларида ушбу ҳамкорлик янги ривожланиш босқичига кирганини таъкидлади. Бунда икки давлат раҳбарлари томонидан имзоланган ҳужжатлар муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилаётир.

Ўзбекистон ва Ҳиндистон ўртасидаги ҳамжиҳатлик, ҳамкорлик муносабатларининг мустақамлашишида маданий-маърифий алоқалар катта ўрин тутди. 2006 йил «Сугдиёна» халқ чолгулари камер оркестри Ҳиндистонда катта концерт дастурини намойиш этгани, юртимизда ҳинд фильмлари ҳафталиги, «Раж Капурни хотирлаб» ўзбек-ҳинд дўстлик кечалари ўтказилгани бунинг ёрқин далилидир.

Тадбирда ўзбек-ҳинд санъат усталари ва ижрочи ёшлар иштирокида катта мусикий дастур намойиш этилди.

Назозат УСМОНОВА,
ЎЗА мухбири

Бесамар танловлар

Ўтган 2006 йил мамлакатимизда қишлоқ хўжалигини ислоҳ қилиш, яъни норентабель ширкат хўжаликларини фермер хўжаликларига айлантириш йили бўлди. Албатта, бу жараёнда қатор вазирлик, идора ва жойлардаги ҳокимликлар фаол иштирок этиб, ерни ҳаққий эгасига топширишга ҳаракат қилинди.

Бирок, гуруч курмасиз бўлмаганидек, айрим жойларда ҳокимлик ва ҳуқуқ-тартибот органларининг бу масалага эътиборсизлиги туфайли ноҳолисликларга йўл қўйилгани оқибатида баъзи талабгорлар ҳали-ҳануз суд-ма-суд, идорам-идора сарсон-саргардон бўлишмоқда.

Инчунин, газетамизнинг 2006 йил 16 июнь сонига «Қайта танлов қачон ўтказилди?» сарлавҳали танқидий мақола чоп этилган. Унда Пастдаргом туманидаги С.Маллаев номли ширкат хўжалигининг фермер хўжаликларига айлантириш комиссиясининг ноқонуний хатти-ҳаракатлари баён этилган эди. Бунни қарангки, расмий равишда хат жўнатилганига қарамай, негадир на ҳокимлик, на ҳуқуқ-тартибот органлари томонидан мазкур масала юзасидан таҳририятга муносабат билдирилмади.

Воқеа тафсилоти қисқача бундай. С.Маллаев номли ширкат хўжалиги фермер хўжаликларига айлантирилганда 1-лояҳида бўйича икки нафар талабгор қатнашиб, А.Эшмуродов 46 балл олиб, М.Абдулқадиров эса 49 балл олиб голиб деб топилган. Бундан норози бўлган А.Эшмуродов туман ва вилоят мутасаддиларига бир неча бор муносабат қилди. Ҳеч

бири самара бермагач, судга юзланди. Ниҳоят, 2006 йил 16 май куни Алишер Мардиев раислигида бўлиб ўтган Фуқаролик ишлари бўйича Самарқанд вилоят суди апелляция инстанцияси тендер танлови ноҳолис ўтказилганлигини аниқлади. Яъни, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирининг 2005 йил 18 ноябрдаги буйруғи билан тасдиқланиб, Адлия вазирлиги томонидан рўйхатга олинган «Фермер хўжаликларини юритиш учун ер участкаларини беришда танлов голибини аниқлаш тартиби тўғрисида»ги Низом, қолаверса, суд қарори ижросини таъминлаш ўрнига уни ўзларининг билган йўриғига бемалол юргизиш веради. Ҳа, майли улар айтганчалик бўлсин ҳам дейлик. Лекин, идорам-идора, суд-ма-суд югуриб ўзининг ҳақлигини исботлаган оддий деҳқон А.Эшмуродовнинг кўз ўнгига содир бўлаётган бу қўзғабумачилик ва ўзибўришчиликлардан сўнг адолатга, қонуниларга бўлган ишончига пўтур етмайдими? Бу каби салбий ҳолатларга қонуний ҳал бериш мамлакатимизнинг барча ҳудудларида қонун ва қарорларнинг бир хилда бажарилишига масъул бўлган органлар вазифаси, албатта.

Суднинг бу қароридан қувонган А.Эшмуродовнинг орзу-хаваслари узоққа чўзилмади. Бор отанга, бор онанга қабилида иш тутган ҳокимлик ва комиссия раиси суд

Мавзуга қайтиб

Янги ва кўркем шифо масканлари



Маълумки, 1996 йил 21 майда Вазирлар Маҳкамасининг «Республикада қишлоқ ижтимоий инфраструктурасини ривожлантириш Давлат дастури ҳақида»ги қарори эълон қилинган эди. Утган вақт мобайнида республикамиз қишлоқ жойларида истикомат қилаётган аҳолига юқори савида тиббий-профилактик хизмат кўрсатиш, чунинчи замонвий ҚВПлар иштини ташкил этиш борасида муайян чора-тадбирлар белгиланиб, ҳаётга тадбиқ қилинди. Хусусан, Фарғона вилояти Соғлиқни сақлаш бошқармаси ташаббуси ва саъй-ҳаракати билан мазкур йўналишда бир қатор ибратли ишлар амалга оширилди. 1996-2005 йиллар давомида вилоятда 188 та қишлоқ врачлик пунктини барпо этиш режалаштирилган эди. Бу йўналишда омилкорона иш юритилгани туфайли 2003 йилнинг ўзидеёқ режа ортиги билан бажарилди — 214 та ҚВП фойдаланишга топширилди.

Бу вилоят соғлиқни сақлаш тизими мутасаддиларига янада куч-гайрат бағишлади. Ички

имкониятлар ҳисобига қўшимча тарзда яна 42 та врачлик пункти ишга туширилди. Албатта, ҚВПлар самарали фаолият олиб бориши учун факатгина бино ва тажрибали мутахассислар қифоя қилмайди. Қаловини топсанг, қор ҳам ёнади деганларидек, қишлоқ врачлик пунктларини талаб даражасида жиҳозлаш учун имконият топилиди.

Авалги қишлоқ врачлик амбулаториялари ўрнида мутлақ янги услубдаги ҚВПларни ташкил этиш ишлари ўтган йилда ҳам илчил давом эттирилди. Вилоятда барпо этилган 37 та шифо масканининг барчаси «Саломатлик-2» лойиҳаси доирасида жиҳозланди. Натижада вилоят қишлоқ жойларида аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш сифати сезиларли даражада яхшиланиб, самарадорлиги ошди.

Оналар ва болалар саломатлигини муҳофаза қилиш вилоят тиббиёт ходимларининг доимий назоратида. Сўнгги йилларда «Оналар ва болалар саломатлигини мустақамлаш» лойиҳаси доира-

Ҳозирда республикамизнинг қай бурчагига борманг, замонавий тиббий асбоб-ускуналар билан тўлиқ жиҳозланган кўркем қишлоқ врачлик пунктларига кўзингиз тушади. Малакали тиббиёт ходимлари хизмат қилаётган ушбу шифо масканлари қишлоқ аҳолиси саломатлигини сақлашда муҳим аҳамият касб этаётир.


сида вилоятдаги 19 та тугғурқ бўлими тўла таъмирдан чиқарилди. Бунга 1 миллиард 600 миллион сўмдан кўпроқ маблағ сарфланди, Шу билан бирга, Кува туманида шифолиқ тиббий ёрдам маркази, Марғилон шаҳрида поликлиника янгидан қурилди, 6 та поликлиникада эса мукамал таъмирлаш ишлари олиб борилди. Бу ишларга буюджетдан ташқари 1 миллиард сўм ажратилди.

Вилоят Соғлиқни сақлаш бошқармаси бошлиғи ўринбосари Ҳуломжон Зайнобидиновнинг айтишича, жорий йилда юқорида келтирилган лойиҳалар асосида шифолиқ тиббий ёрдам илмий марказларининг моддий-техник базасини янада мустақамлаш мақсадида бир қатор ишлар-

ни амалга ошириш режалаштирилмоқда. Шунга кўра, бу йил шифолиқ тиббий ёрдам филиаллари таъмирланиб, тўлиқ жиҳозланади.

Мавжуд замонавий тиббий ускуналардан самарали фойдаланиш учун малакали мутахассислар жалб этиш аҳолига қўрсатилаётган тиббий ёрдам сифати янада яхшиланишига олиб келади. Шу боис вилоятда ҳар йили 1000 нафардан ортиқ шифокор ва 5000 нафардан ортиқ ўрта тиббиёт ходимлари режа асосида малакаларини ошириб келмоқда. Шунингдек, вилоятнинг ўзига ташкил этилаётган минтақавий семинарлар ёрдамида ҳам ходимлар ўз билим ва малакаларини бойитишмоқда.

Ҳулом ХИДИРОВ,
«Адолат» мухбири



ХОРИЖ АБАРЛАРИ



Ғигель Кастро Ва Чавес учрашуви

Яқинда Куба раҳбари Фидель Кастро Венесуэла президенти Уго Чавес билан учрашди. Сўнги уч ой ичида илк мартада 10 дақиқалик телелаҳзада намойиш бўлган Кастро аввалгига нисбатан янада нимжонроқ кўринса-да, ҳаммаси Чавес билан бирга тик оёқда тура олди.



Эслатиб ўтамиз, ярим йил олдин Фидель Кастро ошқонзон операция қилинганлиги туфайли давлат бошқаруви ваколатини мудоффа вазири бўлган укаси Раулга топширган эди.


Охириги пайтлар хориж оммавий ахборот воситаларида бир-бирига зид маълумот тарқатилмоқда. Баъзилари 80 ёшли Куба етакчисининг аҳоли тобора яхшиланиб бораётганини таъкидлаган, яна бошқалари унга улим билан олишган инсон, деб таъриф бермоқда.

Партиялар билан мулоқот


Сербия президенти Борис Тадич янги ҳукумат таркибини ташкил этиш бўйича сиёсий партиялар вакиллари билан маслаҳатлашиш ниятида.

Давлат раҳбари етук сиёсий арбоб Ивица Дачич бошчилигидаги Сербия социалистик партияси, Чедомир Йовановичнинг Либерал-демократик партияси атрофида бирлашган тўрт партиядан иборат Бирлик вакиллари билан суҳбатлашади.

Сайловлардан сўнг парламентдан социалистик партия 16 та, либерал-демократлар 15 та жойга эга бўлди. Мазкур муҳокама бошқа миллат вакиллари билан мулоқотдан сўнг якун топади.



ҲАТХ Ва ХАМАС муросага келди



Фаластиндаги ҲАТХ ва ХАМАС партиялари ўт очиларни тўхтатишга келишиб олди.

Мамлакат ташқи ишлар вазири Махмуд Захарнинг таъкидлашича, бундан буюн барча қуроли тўхнашувларга чек қўйилиб, иккала ҳаракат ҳарбийлари кўчаларни тарк этади.


Хабар қилинишича, икки томонлама музокаранинг давоми мусулмонларнинг муқаддас шахри Мадинада ўтказилиши кутилмоқда.

Энг қиммат рақам Хитойда

Хитойда кетма-кет олтига "8"дан иборат телефон рақами 344 минг юан (43 минг АҚШ доллари) миқдорида баҳоланди.

Цзянси провинциясидаги маҳаллий телефон компанияси ўтказган махсус аукционда иккинчи ўринни эгаллаган рақам — олтига "тўққизлик" эса 132,5 минг юанга сотилди. Ташкилотчиларнинг маълум қилишича, аукциондан тушган даромад ижтимоий химоя учун сарфланади.

Хитойда саккиз ва тўққиз рақамининг рамзий маъноси бор. 8 рақами бойлик ва тараққиёт, 9 эса осмон, яъни қисқизлик ва абадийлик тимсоли ҳисобланади.



"Жоконда" Да Винчининг кўйинисими?



Италиялик олимларнинг аниқлашича, Леонардо да Винчини илҳомланган Жоконда исмида аёл Флоренцияда дафн этилган. Шу пайтга қадар бу хонимнинг вафот этган жойи ва кўни маълум эмас эди.

Бирок профессор Жузеппе Паллантини Флоренциядаги манбаларни ўрганиб, ҳақиқатдан ҳам Жоконда исмида аёл бўлган, деган хулосага келди.

Франческо дель Жокондо исмида маҳаллий савдогарнинг рафиқаси бўлган Лиза Герардини 1542 йил 15 июлда 63 ёшда вафот этган. У умрининг сўнгги йилларида турмуш ўртоғининг ўлимига дош беролмай, бетоб бўлиб қолган Муқаддас Урсула мақбарасида яшай бошлади ва шу ерга дафн этилди. Лиза билан видолашув маросимида иштирок этган инсонларнинг кўпчилиги унинг машҳур шахс бўлганлигидан далолатдир.

Суриштирув жараёнида яна шуниси равшан бўлдики, Лиза Герардини ва Леонардо да Винчи кўшини бўлган экан.

Саломат ЖАББОРОВА тайёрлади

Чипта нархи қанча?

Пойтахтимиздаги муҳташам Халқлар дўстлиги саройида эстрада юлдузлари Озода Нурсидова, Азиза Нийметова, Райҳон каби таниқли кўшиқчиларимиз концертларини кўриш учун республикамизнинг барча ҳудудларидан кўлаб мухлислар келди. Бироқ узоқ йўл босиб, Тошкентга келган мухлис концертга қира олмай ҳаваси саробга айланса-чи?

Элимизнинг сеvimли хонандасига айланган Гулсанам Мамазоитова Халқлар дўстлиги саройида беш кун концерт берди. Кўплар қатори қатори ҳам хонанданинг концертига ошдиким. Саройга чамаси юз эллик, икки юз метр қолганда йўлимга ёш йигитлар чипта борми, сотиб оламиз, сотамиз деган таклифлар билан чиқибди. Хайрон бўлдим, натижада қайта қолмаган бўлса, булар мени концерт чиптасини сотади ёки биздан

чипта олади деб умид қиларди, деб уйладим. Хуллас, кассага етганимча чамамда ўн бешга яқин чиптафурушлар билан "тўқнашдим". Уларга эътибор бермай ниҳоят касса ёнига бориб:

— Гулсанам Мамазоитованинг эртанги концертига чипта олмақчи эдим, — деб сўрадим.

— Чипта йўқ! Кеча тамом бўлган, — деб жавоб берди чиптачи.

— Нархи қанчадан бўлди,

— яна қизикиб сўрадим.

— Олдинги қаторлар йигирма минг сўмдан бошланган, иккинчи қават эса икки минг сўм, — деди суҳбатлашгиси келмагани юзидан билиниб турган опахон.

Уйдагиларга ваъда берган эдим, уларни концертга олиб тушмасам бўлмайди. Нима қилишни билмай ташқарига чиқдим. Қарасам чипта «бозори» авжида. Тагга чечан, устамонлиги шундоқ қўриб турган «чипта сотувчилар» одамлар билан савдолашарди. Улардан бирини холироқ жойга қақириб, олти чипта тўғирлаб беришини сўрадим.

— Тўғирлашимиз оқа, фақат пулгига келишсак бўлди, — деди халиги йигит. — Агар иккинчи қаватдан бўлса ўн беш минг! (касса-

да эса икки минг сўм!), пасти қаватнинг учинчи-тўртинчи қаторларига ҳам чипта бор, бироқ уларнинг нархи эллик мингдан кам эмас, ҳозир олганингиз маъқул, йўқса, эртага худди зорини қилсангиз ҳам шу нархда топа оламизсиз. Хулласангиз ўрта қатор пастроғидаги жойларни 25 минг сўмдан бераман, — деди у.

Хисоблаб кўрдим: Агар ўрта қатордан чипта олсам олти кишига 150 минг сўм бўлади. Чипта олишга чўнтагим кўтармаслигини билиб, кетишга чоғландим. Муҳташам сарой атрофини кузата туриб, концерт бошланганига оз фурсат қолган сайин чипта «бозори» авжида чиқиб бораётганига гувоҳ бўлдим. Айтишлари-

ча, чиптафурушлар концерт бошланганидан бир неча ҳафта олдин чипталарни кассалардан сотиб олишиб, концерт бошланганига оз вақт қолганда чипта топа олмай боши қотган мухлисларга бир неча баробар қиммат нархда сотиб, мўмайидан даромад қилиб олишаркан.

— Фарғонадан келдим, ука, — дейди эллик бешлар чамасидаги бир онахон. — Гулсанам Мамазоитовани нафақат мен, балки оиламиз, бутун қишлоқдошларимиз яхши кўради. Икки сингилмиз ва турмуш ўртоғим билан олис қишлоқдан концертга келган эдик. Бироқ уч кун овозора бўлиб, чипта ололмадим. Кассачилар барча чипталарни «кўтарасига» сотиб юборишган кўринади. Йўқса, са-

рој атрофидаги чиптафурушлардан хоҳлаган куннинг хоҳлаган қаторидан чипта олишнинг мумкин бўлмади. Уларнинг нархи эса «осмонда». Энди қишлоғимизга қайтганимиз.

Шу кеча-кундузда онахонга ўхшаб қанчадан-қанча мухлисларнинг концертга кириш орузи чиптафурушлар туфайли саробга айланган бўлса не ажаб!

11-14 февраль кунлари истеъдодли эстрада хонандаси Райҳон ҳам Халқлар дўстлиги саройида концерт берди. Бироқ сарой кассаларида чипта йўқ, барчаси сотилибди. Эҳтимол, уларнинг ҳам анчагина қисмини чиптафурушлар сотиб олгандир.

Рустам ҲАЙДАРОВ, "Туркистон-пресс"

Истиқболли лойиҳалар муҳокамаси

Ўзбекистон Республикаси 1999 йил 12 октябрда Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Иқлим ўзгариши тўғрисидаги муваққат конвенциясига оид Киото протоколини ратификация қилди. Мазкур ҳужжатда бугунги туфайли атмосфера қатламига салбий таъсир қиладиган газларнинг чиқарилишини чеклаш механизми белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 2 декабрдаги қарорига мувофиқ, Ўзбекистон Республикасининг Мусатффо ривожланиш механизми бўйича Миллий органи ташкил этилди. Ушбу вазифа Иқтисодиёт вазири-

ги зиммасига юклатилди. Бу орган Мусатффо ривожланиш механизми бўйича таклиф этиладиган сармоявий лойиҳаларни ўрганиб чиқади, саралайди, маъқуллаш ҳамда мониторинг қилиш учун Идора-лараро кенгашга тақдим этади. У БМТ Иқлим ўзгариши тўғрисидаги муваққат конвенциясининг Котибияти ҳузуридаги Мусатффо ривожланиш механизми Ижроия кенгаши билан ҳамкорликда фаолият юритади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирилар Маҳкамасининг 2007 йил 10 январдаги қарори билан Киото протоколининг Мусатффо ривожланиш механизми доирасида Сармоя-

вий лойиҳаларни тайёрлаш ва амалга ошириш тўғрисидаги низом тасдиқланди.

Бу йўналишдаги ишларни ривожлантириш ва Мусатффо ривожланиш механизми бўйича лойиҳаларни амалга ошириш борасидаги имкониятларни кенгайтириш мақсадида Ўзбекистон Иқтисодиёт вазирилиги ташаббуси билан Жаҳон банки ҳамкорлигида мамлакатимизнинг тегишли вазирилиги, идора ва корхона раҳбарлари ҳамда мутахассислари учун семинар ўтказилди. Унга Жаҳон банкининг Мусатффо ривожланиш механизми лойиҳаларини амалга оширишда амалий тажрибага эга юқори малакали мута-

хассислари жалб қилинди.

Уч кун давом этган семинар иштирокчилари Мусатффо ривожланиш механизмига доир лойиҳаларни, жумладан, Жаҳон банкининг Карбон жамғармаси доирасидаги лойиҳаларни амалга ошириш борасида Ўзбекистондаги мавжуд улкан салоҳият билан танишди. Ўзбекистондаги ҳар бир истиқболли соҳага оид аниқ лойиҳавий гоёлар ҳамда уларни Мусатффо ривожланиш механизми бўйича амалга ошириш имкониятлари кўриб чиқилди.

Семинар доирасида Мусатффо ривожланиш механизми лойиҳаларини амалга ошириш чоғида экологик ва-

зиятни яхшилашга, саноат ва маъиший қийиндиларни фойдали мақсадларга ишлатиш ва муқобил энергия манбаларини яратишга ёрдам берадиган истиқболли лойиҳалар муҳокама қилинди.

Семинар Мусатффо ривожланиш механизми бўйича нефть-газ, кимё, қурилиш материаллари, кон саноати, шунингдек, қишлоқ ҳўжалиги ва коммунал соҳага доир лойиҳаларни ўрганиб, саралаб олиш ҳамда уларни БМТ томонидан тасдиқланган услубийта мувофиқ амалга ошириш учун лойиҳавий ҳўжатларни тайёрлаш бўйича амалий тавсиялар ишлаб чиқишга ёрдам беради.

(ЎЗА)

Фаолият

Табиий газ – энг зарур хомашё

«Самарқандгаз» ҳудудий газ таъминоти корхонаси ҳамда унинг туман ва шаҳар филиаллари томонидан 2006-2007 йил кузги-қишки мавсумга ўз вақтида пухта тайёрларлик кўрилиб омиқорлик билан иш юритилгани бос белгиланган режа ортиғи билан бажарилди.

— Вилёатимиз бўйича кузги-қишки мавсумга тайёрларлик доирасида жами 77,9 километр масофадаги газ қувурлари мукамал таъмирланиши лозим эди, — дейди биз билан суҳбатда корхонанинг фойдаланиш бўлими бошлиғи К.Ганиев. — Амалда 79,4 километр газ қувурларини сифатли таъмирлашга муваффақ бўлдик. Мавжуд ГТКларнинг аксарият қисми текширувдан ўтказилиб, 66 та му-

ташкilotларни табиий газ билан ўз вақтида таъминлаш мақсадида бир қатор чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Хусусан, 9730 та хонадон ва ўнлаб саноат корхоналари, ташкilot ва муассасаларга, маданий-маъиший объектларга "зангори олов" етказиб бераётган "Пай-арикгазтаъминот" филиали ишчи-ходимлари бу борада жонбозлик кўрсатишмоқда. Бу йилги мавсумга тайёрларлик кўриш учун барча ГРПлар қуриқдан ўтказилиб, аниқланган камчиликлар бартараф этилди. Шунингдек, 593,8 километрлик ҳар хил босимдаги газ қувурлари қўздан кечирилди, 2,4 километри эса мукамал таъмирдан чиқарилди.

Дарвоқе, жорий йилда тумандаги "Дўстлик" ширкат ҳўжалиги ҳудудида давлат бюджетини ҳисобидан 5,9 километр, "Туркистон" ширкат ҳўжалигининг Бахрин қишлоғида эса 3 километрлик юқори босимли газ қувурлари тортилиши режалаштирилган. Айти кунларда пудратчи қурилиш ташкilotлари бунёдкорлари газ қувурлари тортиш ишларини жадаллик билан олиб боришпти.

Х.ҲУЛОМОВ, "Адолат" мухбири



Ибратли ва саховатли фермер

Бугун мамлакатимизда қишлоқ ҳўжалиги ривожини фермерларсиз тасаввур этиш қийин. Уларнинг кечани-кеча, кундузани-кундуз демай қилган меҳнатлари туфайли пахтачилик, галлачилик ва бошқа қишлоқ ҳўжалик маҳсулотлари етиштиришда ўзига хос мактаб яратилди.

Бободехқонларимиз бугун қишининг ёгин-сочинли кунларида ҳам келгуси йил ҳосилини ўйлаб тиним билгани йўқ. Аслида ҳам қиш бободехқон учун ҳордиқ чиқарадиган фасл эмас. Аксинча, келгуси йил тарадудини кўриш, ерининг мелiorатив аҳволини яхшилаш фасли.

Касби туманидаги "Сай-фулло бобо Рўзиев" фермер ҳўжалиги раҳбари Турдиали Рўзиев ҳам ана шундай тиниб-тинчимас, ерининг тилини биладиган ҳақиқий деҳқонлардан. Айти пайтда у туманда фаолият юритаётган фермерларга ўрнатилган бўлиб келмоқда. Ўтган йили галла етиштириш режасини 44 центнерга бажарди. Олинган даромад ҳисобига қишлоқ

ҳўжалиги техникалари харид қилди.

Шу ўринда айтиш жоизки, моддий манфаатдорлик юқори бўлган ҳар бир ташкilotда иш унуми, олинган фойда баракали бўларкан. Фермер ҳўжаликда меҳнат қилаётган 26 нафар аъзонинг яратилган шарт-шароитлардан кўнгли тўқ. Уларнинг ҳар бири бугунги кунда 40 минг сўмдан маош, галла ҳосилидан 500 килограммдан 1000 килограммгача қилган ишга қараб ўз ҳиссасини олаётир.

— Ўтган Ҳўмийлар ва шифокорлар йилида олинган даромад ҳисобига туманда-

ги 2 та мактабга компьютер сотиб олиш учун ёрдам бердик, — дейди фермер ҳўжалик раҳбари Турдиали Рўзиев. — Бундан ташқари, бегарз ёрдам сифатида вилёят марказидаги Меҳрибонлик уйига 150 минг сўм пул ўтказиб бердик. Келгусида бундай хайрли ишларни мунтазам равишда амалга ошириб борамиз, албатта.

Носир ҲАЙДАРОВ, "Адолат" мухбири

Суратда: Фермер Т.Рўзиев ва «Тошқўрғон-галаба» ММТП бош агрономи С.Бобтаев янги мавсум режалари ҳақида суҳбатлашмоқда.

Муаллиф олган сурат.



Битим кучга кирди

Пойтахтимизда "Ўзбекнефтьгаз" миллий холдинг компанияси, Россиянинг "Лукойл Оверсиз", Малайзиянинг "Петронас", Хитой ва Жанубий Кореянинг нефть ва газ компанияларидан иборат сармоядорлари Консорциуми Орол денгизининг Ўзбекистон қисмида маҳсулотни тақсимлашга оид битим кучга кирганлиги тўғрисида ҳўжжати имзоладилар.

— Консорциумнинг барча аъзолари лойиҳада тенг улушга эга, — деди "Ўзбекнефтьгаз" миллий холдинг компанияси матбуот котиби Собир Салимов. — Мазкур лойиҳанинг амал қилиш муддати 35 йилга мўлжалланган.

Геология-қидирув ишлари икки босқичда амалга оширилади. Биринчи босқичда уч йил ичида сейсмиқ-қидирув

ишлари олиб борилади. Бу ишларга юз миллион АҚШ доллариғача маблағ сарфлаш мўлжалланган.

Яқинда Орол денгизининг суви, ўтиш ва киргоқ қисмида сейсмо-қидирув ишларини баҳарлиш учун тендер эълон қилинди. Март ойининг ўрталарида уни якунига етказиш режалаштирилмоқда.

Устуртда кейинги бир неча йил ичида саккизта газ конденсатли кон очилди. Минтақада ўтказилаётган бундай геологик тадиқотлар Орол денгизининг улкан углеводород салоҳиятидан далолат. Таъкидлашчи, келажақда бу ерда ўттиздан зиёд истиқболли нефть-газ қони очилиши мумкин.

Х.САЛИМОВ, ЎЗА мухбири

Парламент сабоғи

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси

Қонунчилик палатаси фаолиятининг ҳуқуқий асослари

1. Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери ва унинг ўринбосарларини таъин қилиш тартиби қандай?

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери яширин овоз бериш орқали Қонунчилик палатаси депутатлари умумий сонининг ўндан икки қисмидан кўпрогининг овози билан қабул қилинган Қонунчилик палатаси қарорига биноан муддатидан илгари лавозимидан озод қилиниши мумкин.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикерининг ўринбосарлари яширин овоз бериш орқали Қонунчилик палатаси депутатлари умумий сонининг кўпчилиги овози билан қабул қилинган Қонунчилик палатасининг қарорига биноан муддатидан илгари лавозимидан озод қилиниши мумкин.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикерини ёки унинг ўринбосарларини муддатидан илгари лавозимидан

озод қилиш тўғрисидаги масала Қонунчилик палатаси депутатлари умумий сонининг кўпчилиги овози билан қабул қилинган Қонунчилик палатаси қарорига биноан муддатидан илгари лавозимидан озод қилиниши мумкин.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикерини ёки унинг ўринбосарларини муддатидан илгари лавозимидан озод қилиш тўғрисида қарор қабул қилинганда, қарорни палата мажлисида раислик қилувчи имзолайди.

(Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенати фаолиятининг ҳуқуқий асослари) қўлланасин.

© Ўзбекистон Республикаси Президентини ҳўзурдаги Амалдаги қонун ҳўжатлари мониторингинг институтини, 2006.)

Иқбол МИРЗО,
Ўзбекистон халқ шоири

Истагим

Истагим шу — қолсам эди шамол бўлиб,
Бошешангда айланардим савол бўлиб.
Бошдан оёқ гулбаргига урар эдим,
«Нега мени севмадинг?» деб сўрар эдим.

Дарду ғамим, изтиробим, кулфатларим —
Бош устимда чарх уради калхатларим.
Осмонларда қолиб кетган ойқиз ўзинг,
Бахтсизлигим сабабчиси ёлғиз ўзинг.

Тўйиб нафас ололмайман кўксим тўлиб,
Ҳеч бўямаса қолсам эди ёмғир бўлиб.
Деразанда юзларимни урар эдим,
«Нега мени севмадинг?» деб сўрар эдим.

Тузалмайман, энди одам бўлолмайман,
Мактуб ёзиб сабодлардан йўлолмайман.
Жондан яхши кўраману кўролмайман,
«Нега мени севмадинг?» деб сўролмайман.

Ўйин

Ёзиб яшил топон — япроқларини
Дарахлар кўксимга бердилар ҳаво.
Баҳор ёқди яшил чироқларини,
Муҳаббат, Сизга йўл очик, марҳабо!

Умримни тикканман ғирром ўйинга,
Биланман бор-будим ютқазганимни.
Яна қанчасини олиб бўйинга,
Яна жонимни ҳам тутқазганимни.

Сиз ўта ақлли, сиз эҳтиёткор,
Томоша қиласиз, ғийбат қиласиз.
Қанча эҳтирос бор, қанчалар шавқ бор,
Сиз телба туғини қайдан биласиз!

Учиб келгунча қора қарғалар
Ва сариқ чироқлар ёқилгунча то
Ўз, ҳаёт тамоюли меники бўлар,
Меники бўлади батомом дунё!

Юсуф Хос Ҳожиб

Зарари чиқим, фойдаси кирим

бўлган тўрт нарсани арзимас деб бўлмайди ва ундан эҳтиёткор бўлмоқ лозим

* Ҳаётни зое кетказмасдан эзгулик қилишга
интил, эзгулик келгусида егулик ва кийгулик бўлади.

* Ёмонлар қаргалди, яхшилар оқландилар,
ўйлаб кўр, ҳайси бири сенга маъқул тушади.

* Кўплаб кузатганим бор, ёмонларнинг иш-
лари ҳеч ривож олмади, мутлақо битмади.

* Одамнинг безағи сўзидир, сўз эса беҳисоб
кўпдир. Фақат эзгу сўзли кишиларнигина ар-
доқлаш лозим.

* Заковат билан одам юксаклик олади, би-
лим билан улутликка эришади.

* Яхшилар чексиз фазилат, хислат ва мақ-
товга лойиқ йўриқларни заковатта амал қил-
ганлари учун қўлга киритганлар.

* Кўйидаги тўрт нарсанинг озини оз деб
тушунамаслик керак. Бу тўрт нарсадан бири —

опов, бири — ёв, учинчиси — касаллик, яъни
ҳаётга қўйилган тузук. Тўртинчиси билимдир.
Бу тўрт нарсани арзимас деб билмагин, эҳтиёт
бўлиб юргин. Булардан ҳар бирининг фойда ва
зарари беҳисобдир, зарарлари чиқим, фойда-
лари кирим кабиридир.

* Билимсизнинг билганлари ва қилганлари
ўзи учун душмандир, бошқа душманининг кера-
ги йўқ, шу икки душманининг ўзи кифоядир.

* Қанча йиллар ўтмасин эзгулик қармай-
ди, ёмонлик қанча эъзозланмасин, барибир азиз
бўла олмади.

* Роҳат-фароғат истасанг, бил, меҳнат ва
машаққат унга уланиб келади.

* Севинч-шодлик истасанг, бил, меҳнат ва
машаққат унга уланиб юради.

(“Қуталару билиг”дан)

Тафаккур бўстони

Назм



Салом сизга

Ҳаёлимдек абад озод

сабодлардан салом сизга,

Кўйчи кўнглим каби маҳзун

наволардан салом сизга.

Мен сўз айтсам топиб айбин,

мудом аксин ўйлағайсиз.

Тош юракка тегиб қайтган

сабодлардан салом сизга.

Жингил ичинда ўришиб —

ўғрилиб сайрайди булбул,

Ноласи беадоғ, умри

адолардан салом сизга.

Наҳотки бемуруватлик

кишини бой этур охир,

Табассум деб қўл узатган

гадолардан салом сизга.

Жабр устига жафолар

қўйиб ҳаволанди дилбар.

Жафолардан салом сизга,

ҳаволардан салом сизга.

Неча дил бердимиз Иқбол

веча бор тавбалар етдим.

Ҳақиқатдан завоқи устун

хатолардан салом сизга.

Китоб кўн, китобхон-чи?

Давоми. Боши 1 - бетда

Дарҳақиқат, инсоният ярат-
ган энг улуг қашфиётлардан
бири китобдир. Китоб онги-
миз, шууримизни зиё, билим
билан бойитади. Шунинг учун
ҳам жуда қадимий маданий
тарихга эга бўлган халқимиз
азал-азалдан китобни эъзоз-
лайди. Китоб, аввало, бизни
ўз қалбимизга разм солишга
урғатади. Француз файласу-
фи Д.Дидро «Одам мутлоа-
ни бас қилса, фикрлашдан
ҳам маҳрум бўлади», деган-
да ҳақ эди. Чуқур фикрламай
қўйган, мутлоа кучидан бе-
баҳра кишилар улугвор мақ-
сад йўлида фидойилик кўрса-
та олмайдилар.

Ҳозир замонамиз ахборот
ва технологиялар асри. Бу,
албатта, тараққий этган дав-
ларда ҳам китоб ва ку-
тубхонанинг ўрнига ҳийла
салбий таъсир кўрсатаётир.
Кейинги вақтда бизда ҳам
бозор иқтисодиёти шароити-
ни, вақт тизилигини рўқач
қилиб китоб ўқишга фурсат
тополмайдиганлар сони
кўпайди. Қарши шаҳридаги
қўлгина кутубхона ходимла-
ридан сўраганимизда охириги
пайтлари бирон-бир масъул
лавозимдаги ёки ёши катта
кишиларнинг китоб олиб
ўқишгани тўғрисида жўли
маълумот беришолмади.

— Турмуш таъшишларидан
вақт ортмайди, — дейди фу-
қаро Ғани Номозов. — Бунинг
устига китоб сотадиган дўкон-
лар кам. Нархлар қиммат.

Баъзи туманларда, умуман,
китоб дўконларининг ўзи йўқ.

— Бозорлардан излаган
китобингиз топилади, — суҳ-
батга қўшилди Баҳодир Чо-
риев. — Нархи қиммат, ал-
батта. Бунинг устига баҳоси
ҳар ҳил. Излаган китобингиз-
ни дўкондан харид қилсан-
гиз арзон тушади, ортиқча
оворагарчилик бўлмайди.

Менинг назаримда, Қарши
шаҳрида ҳам китоб дўконла-
ри кам қолди-ёв.

Биз кўп кишилар билан
мулоқотда бўлдик. Уларнинг
айримлари ҳақиқатдан ҳам
кам китоб ўқишгаётганини тан
олишган бўлса, баъзилари
турли сабабларни айтишди.

«Охириги марта қандай бади-
ий китоб ўқидимиз?» деган
саволимизга эса саноқли ки-
шиларгина жавоб бера олди,

холос. Қарши шаҳрида узок
йиллардан бунён китоб тарғи-
боти ва кутубхоначилик иши
бўйича иш олиб бораётган бир
заҳматкаш зиёли қуюнчақлик
билан шундай деди:

— Китоб ўқиш ёки ўқимас-
лик одамнинг ўзига боғлиқ.
Қарши шаҳрида китоб дўкон-
лари етарли. Ҳозир 40 та
дўконда китоб савдоси йўлга
қўйилган. Бундан ташқари, бо-
зорларда ҳам китоб савдоси
ташқил этилаётти. Бироқ ту-
манларимиз марказлари ва
олис кишлоқларда бу бора-
даги ишлар талаб даражаси-
да эмас. Аммо китоб ўқиб, ўз
ақлини пешлайман, деган
одам ҳар қандай йўл билан
ҳам мутлоа қилаверади.

— Менимча, телевизорда
кетма-кет намойиш этилаёт-
ган турли-туман сериаллар,
жангари кинофильмлар катта
ёшдагиларни ҳам, болаларни
ҳам жалғитиб, китобдан сову-
шига сабаб бўлаётти, — дей-
ди шахрисабзлик Эшқувват
Қосимов. — Барибир китоб
бошқа, кино бошқа. Масалан,
Абдулла Қодирининг «Ўтган
кунлар» романини мутлоа
қилганда оладиган маънавий
завқни киносини томоша
қилиб ололмасиз.

Дарвоқе, Шарқда азалдан
китобга алоҳида, меҳр-муҳаб-
бат билан қараб келинган.

Ота-боболаримиз китобни
зебу зайнатдан азизроқ бил-
ганлар. Ҳозирги кунда мам-
лакатимизда имло урфон учун
жуда катта маблағ сарфлана-
ёттир. Хусусан, ўтган йили
хукуматимиз қарорига асосан,
кутубхоналар Халқ таълими
вазирлигига ўтказилгандан
кейин миллион-миллион нус-

ха янги китоблар олинди.
Буни Қашқадарё вилоят халқ
таълими бошқармаси етакчи
мутахассиси Жўра Халилов
қўйидагича изоҳлайди:

— Айни кунларда вилоят-
да 1099 дан ортиқ кутубхона
ишлаб турибди. 2005 йили
жами 4 миллион 497 минг
342 нуска бадиий адабиёт
бўлса, бугунга келиб жами
китоблар сони 5 миллион нус-
кага етай, деб қолди. Бунда,
албатта, вилоят ҳокимлиги-
нинг ёрдами катта. Шунинг-
дек, Халқ таълими вазирлиги
ташаббуси билан ўтказилган
хайрия тадбирлари тўғриси-
даги йили ҳомилар кўмаги-
да мактаб кутубхоналарига
102 миллион сўмлик янги



Ўзбек алифбосидаги бадиий
адабиётлар, дарсликлар олин-
ди. Булар хали етарли эмас.
Назаримда, воҳода катта
ёшдагилар орасида китоб тарғи-
ботини жонлантириш керак.

Тўғри, Қарши шаҳрида китоб
дўконлари бор. Лекин туман-
ларда ҳам китоб савдосини
йўлга қўйиш вақти келди.

Бунинг учун туман ҳокимликла-
ри махсус жой ажратиб, ки-
тоб дўконларини очишга ёрдам
беришлари керак.

Бугунги кунда ёш авлодни
баркамол қилиб тарбиялашга,
уларнинг билимли, соғлом ва
ҳар жиҳатдан етук бўлиб во-
яга етишлари учун барча шарт-
шароитлар яратилган. Шу

қатори ёшлар қалбида китоб-
га қаноат меҳр ва қизиқишни
изчи қўчайтириб бориш улар
маънавий дунёсини бойитиш-
нинг энг таъсирчан омилли экан-
лини унутмайлик.

Комил САХАТОВ,

“Адолат” мухбири

“Адолат” ҳуқуқий маслаҳатхонаси

Ҳуқуқий маслаҳатхонаси

Ҳилонзор туманида жойлашган кўп қаватли уй-
лардан икки хонали квартира сотиб олдим. Тадбир-
корлик фаолияти билан шуғулланиш мақсадида уни
нотураж жойга айлантирдим. Яқинда лицензия олиш
учун департаментга борсам, “кадастрдан рухсат
олмагандир” деб лицензия беришмади. Шу тўғрисида

Абдуваҳоб Уринов,
тадбиркор

Агарда Сиз тадбиркорлик
фаолиятингизни яшаш учун
мўлжалланган турар-жойлар-
да амалга оширолмасан бўлсан-
гиз, унинг ҳуқуқий мақомини
қонунда белгиланган тартиб-
да яшаш учун мўлжалланма-
ган жойга ўтказишингиз шарт.
Бунинг учун Вазирлар Маҳка-
масининг 2000 йил 20 январь-
даги “Турар жойларни яшаш
учун мўлжалланмаган жой-
ларга ўтказиш тартиби тўғри-
сида”ги қарори ва шу қарор
асосида тасдиқланган Низом-
га асосан мулкдор томонидан
жойлардаги давлат ҳокимия-
ти органлари, яъни Қорақал-
погистон Республикаси Вазир-
лар Кенгаши, вилоятлар ва
Тошкент шаҳар ҳокимликла-
рига келгусида уйдан фойда-
ланишнинг мўлжалланаётган
шакл ва усуллари акс этган
ариза билан мурожаат қили-
нади. Аризани ҳаммулкдор-
ларнинг ва балогат ёшига ет-
ган оила аъзоларининг нота-
риус тасдиқлаган розилик
ҳужжати, турар жойга мулк
эгаси ҳуқуқини тасдиқловчи

ҳужжатлар, тегишли архитек-
тура органларининг техник
хулосаси, унинг техник ин-
вентаризация кадастр бюро-
си тайёрлаган режиси, шаҳар
(туман) санитария-эпидемио-
логия хизмати, архитектура
хизматлари ва ёнган назора-
ти органлари билан келиш-
ганлик тўғрисидаги ҳужжат,
фуқароларнинг ўзини ўзи
бошқариш органларининг ро-
лига ҳужжатлари илова
қилинади.

Мазкур ариза давлат ҳоки-
мати органлари ҳузуридаги
идоралараро комиссия томо-
нидан қўриб чиқилади. Ко-
миссиянинг турар жойни но-
тураж жойга айлантиришга
розилик тўғрисидаги хулоса-
сидан сўнг ҳоким томонидан
турар жойни яшаш учун
мўлжалланмаган жойга ўтқа-
зиш тўғрисида қарор қабул
қилинади. Ана шу қарор Сиз-
га кўрсатилган манзилда тад-
биркорлик фаолияти билан
шуғулланиш учун лицензия
олиш ва фаолиятни амалга
ошириш ҳуқуқини беради.

Ютуқдан солиқ олинадими?

Ҳар бир давлатда бўлганидек, Ўзбекистонда ҳам
турли лотерея ўйинлари мавжуд. Айтинг-чи, унда иш-
тирок этган киши катта миқдордаги пул ёки буюм
ютиб олса, солиқ тўлайдими? Агар лотерея ютуқлари-
дан солиқ ундирилса, унинг тартиби қандай?

Сарвар Жумаев,
Қашқадарё вилояти

Йўқ, ундирилмайди. Чунки Ўзбекистон Республикаси Солиқ
Кодексининг 58-моддаси “Н” бандига асосан давлат заёмла-
рининг облигациялари ва лотереяларнинг ютуқларига солиқ
солинмайди.

Икки ҳисса ҳақ тўланади

Баъзи ҳолларда ишхонада раҳбариятнинг топши-
риғи билан кеч соат 9-10 гача, шунингдек, дам олиш
ва байрам кунлари ҳам ишлашга тўғри келмоқда.
Айтинг-чи, бу вақтларда ишлаганим учун қўшимча
ҳақ тўланиши керакми?

Жамшид Шодиев,
сотувчи

Меҳнат Кодексининг 157-
моддасига асосан, иш вақти-
дан ташқари ишлар, дам олиш
кунлари ва байрам кунлари-
даги ишлар учун камиди икки
ҳисса миқдорда ҳақ тўлани-
ши керак. Тўланадиган
ҳақнинг аниқ миқдори жамоа
шартномасида, агар у тўзи-
лмаган бўлса, иш берувчи то-
монидан қасбга уюшма кўми-
таси ёки ҳодимларнинг бошқа

вакиллик органи билан кели-
шиб белгиланади.

Байрам ёки дам олиш ку-
нидаги иш ҳодимнинг хоҳи-
шига қараб бошқа дам олиш
кўни (отгул) бериш билан қоп-
ланиши мумкин. Иш вақтидан
ташқари бажаришга иш учун
бошқа дам олиш кўни берил-
ган тақдирда, бундай ишлар
учун камиди бир ҳисса миқ-
дорда меҳнат ҳақи тўланади.

Қўйинилар тинчлигини бузишми...

Кўп қаватли уйда яшайман. Кўпинча, айрим
қўйиниларим кечаси билан шовқин қилиб, тинчлигим-
ни бузишади. Бундай ҳафти-ҳақаратлар учун ҳам
жавобгарлик чоралари белгиланганми?

Дилдора Алимоева,
ўқитувчи

Ўзбекистон Республикаси
Маъмурий жавобгарлик
тўғрисидаги Кодексининг
192-моддасига асосан тунги
вақтда, яъни соат 23 дан эр-
талабчи 6 гача фуқаролар-
нинг оқсоқиллигини бузиш,
яъни баланд овоз билан
қўйиш айтиш, мусиқа чалиш,
товуш сигналлари бериш, хо-
надонларда, турар жойлар-
нинг йўлакларда, кўчалар-
да овози баланд қилиб
қўйилган телевизорлар, ра-
диопримемниклар, магнито-
фонлар ва овоз чиқарувчи
бошқа аппаратлардан
фойдаланиш каби ҳақарат-
ларни содир этганлик учун

фуқароларга энг кам иш
ҳақининг учдан бир қисми,
мансабдор шахсларга эса уч-
дан бир қисмидан иккидан
бир қисмигача миқдорда жа-
рима солинади. Агар худди
шундай ҳуқуқбузарлик маъ-
мурий жазо чораси қўлланил-
ганидан кейин бир йил да-
вомида такрор содир этил-
ган бўлса, фуқаролар энг кам
иш ҳақининг иккидан бир
қисми, мансабдор шахслар
эса иккидан бир қисмидан
бир бараваригача миқдорда
жарима тўлайди.

Саволларингизга ҳуқуқшунос
Ойбек ДАМИНОВ
жавоб бери

Тахририятдан: Мухтарам газетхон! Газетамиз ижсо-
дий жамоаси Сизни ўйлантириб келётган саволларга
имкон қадар жавоб бериш учун янги — “Адолат” ҳуқуқий
маслаҳатхонаси” руқини ташкил этди. Сиз йўламан
саволларга малакали ҳуқуқшунос мутахассислар жавоб
беришади. Саволларингиз битилган мактубларни қўйиб
қолайми.

“Гиннеснинг рекордлар китоби”дан

Тиниб-тиничмаган одамлар

“Гиннеснинг рекордлар китоби” ҳақида билмай-
диган инсон бўлмаса керак. Ундаги ғаройиб ва
ажойиб рекордлар баъзан бизнинг кулҳимизни кел-
тирса, баъзан ёқа ушлашга мажбур қилади.

Рекордлар китоби дунёда-
ги энг машҳур китоблар сира-
сига кирган ва сотилиши жи-
ҳатдан энг олдинги уринлар-
дан биринчи эгаллайди. Ҳар
йили 40 минг киши бу китоб-
дан жой олиш учун ҳаракат
қилиши ҳам унинг кўлами на-
кадар катталанишдан дарак бе-
ради. Утган йили нашр қилин-
ган рекордлар китобида минг-
га яқин янги рекордлар ўрин
олган. Бу рекордлар ичида
қизиқарли ва гайриоддийла-
ри ҳам топилади.

Лондон яқинидаги Стиве-
неджд шахарчасида яшовчи 68
ёшли Изобель Варли дунёдаги
татуировкага энг бой кампир
хисобланади. Унинг бошидан
то оёғининг учигача татуиро-
валар билан безатилган. Ҳатто
юз қисмида ҳам бирорта бўш
жойни топиш амримаҳол.

Америкалик Жон ва Грег
Райсларнинг бўйи 86 санти-
метрни ташкил этади. Улар
дунёнинг энг пахона одамла-
ри, деб эътироф этилган.
Қолаверса, улар кичкина
бўлишларига қарама-қар-
дан дунёнинг энг бой эгизакла-
ридир. Жон ва Грег кўнмас
мулк ва телепродюсерлик би-
лан шуғулланувчи фирмани
бошқарадилар ва миллионлаб
даромад куришади.

Британиялик Гарри Тернер
ўрнатган рекорд ғаройибли-
ги билан ажралади туради. У
юз қисмига 153 та кистирчи-
ни жойлаштира олган. Мута-
хассисларнинг фикрича, унинг
териси жуда ҳам қўзғилувчан,
шу сабабли у бундай натижа-
га эришган.

Ўқтам ХУДОЙҚУЛОВ

тайёрлади



ADOLAT

ИЖТИМОЙИ-СИЁСИЙ ГАЗЕТА

МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН «АДОЛАТ»
СДП СИЁСИЙ КЕНГАШИ

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги
томонидан 0018 рақами билан рўйхатга олинган
www.adolat.uz • E-mail: adolat_gazeta@mail.ru

Бош муҳаррир Бахтиёр АБДУСАТТОРОВ

Тахрир ҳайъати

Дилором ТОШМУХАМЕДОВА, Иқбол МИРЗО, Турсунали
ҚЎЗИЕВ, Турғунпўлат ДАМИНОВ, Равшан ҲАЙДАРОВ,
Мамазоир ХЎЖАМБЕРДИЕВ, Исмоил САИФНАЗАРОВ,
Собир ТУРСУНОВ, Шернат ШАМСИЕВ, Светлана ОРТИҚОВА,
Мукарамхон АЗИМОВА, Жуманиёз АЛИБЕКОВ, Камол
АЛЛАЁРОВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Талъат МУРАТОВ